

## ТАРЖИМАДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРГА САБАБ БЎЛАДИГАН ВАЗИЯТЛАР ХУСУСИДА



**Носир Мансурович ҚАМБАРОВ**  
*филология фанлари номзоди, проф.*  
*таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси*  
*Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети*  
[uswu@yandex.com](mailto:uswu@yandex.com)

### Аннотация

Мазкур мақолада таржима трансформацияларига сабаб бўладиган лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳақида фикр юритилган. Таржима жараёнида муқобилликни таъминлайдиган турли трансформацияларнинг аҳамияти кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** таржима жараёни, таржима трансформациялари, эквивалентлик, муқобиллик, сўз тушириб қолдириш, сўз кўшиш.

## О СИТУАЦИЯХ, КОТОРЫЕ ВЫЗЫВАЮТ ТРАНСФОРМАЦИИ ПЕРЕВОДА

**Носир Мансурович КАМБАРОВ**  
*Кандидат филологических наук, проф.*  
*Кафедра теории и практики перевода*  
*Узбекский государственный университет мировых языков*  
[uswu@yandex.com](mailto:uswu@yandex.com)

### Аннотация

Данная статья рассматривает вопросы лингвистических и экстралингвистических факторов, влияющих на переводческие трансформации. Указана роль различных переводческих трансформаций в обеспечении эквивалентности и адекватности в процессе перевода.

**Ключевые слова:** процесс перевода, переводческие трансформации, эквивалентность, адекватность, опущение, добавление.

## ON THE SITUATIONS THAT CAUSE TRANSLATION TRANSFORMATIONS

**Nosir Mansurovich KAMBAROV**  
*Candidate of Philological Sciences, Professor*  
*Department of Translation Theory and Practice*  
*Uzbekistan State University of World Languages*  
[uswu@yandex.com](mailto:uswu@yandex.com)

### Abstract

The present article discusses the linguistic and extralinguistic factors influencing the cause of translation transformations. The importance of translation transformations in providing equivalence and adequacy is indicated.

**Keywords:** translation, process, translation transformations, equivalence, adequacy, omission, addition.

Таржима жараёнида эквивалентлик ва муқобилликни таъминлаш учун турли ўзгартиришлардан фойдаланишга тўғри келади. Бундай ўзгаришлар таржимашуносликда трансформация тушунчаси орқали ифодаланади. Трансформацияларнинг миқдорини таржимашунос олимлар иккитадан саккизтагача деб кўрсатадилар. Бу трансформациялар матнда учрайдиган элементлар турига боғлиқ ва улар ўз ичига лексик, грамматик, стилистик ва шунга ўхшаш бошқа ўзгаришларни олиши мумкин.

Таржимада қўлланадиган ҳар бир трансформация ўз асосига эга. Соҳа бўйича мавжуд адабиётларда таржимашунослар трансформацияга асос бўладиган турли сабаб ва заруратни кўрсатадилар. Аксарият ҳолларда қайси таржима трансформациясини эътиборга олиш тадқиқотчининг олдига қўйган мақсадларидан келиб чиқади. Таржима трансформацияларининг турлича бўлиши тадқиқот чоғида уларни муайян туринигина илмий талқин ва таҳлил учун олишни тақозо этади .

Баъзи олимлар трансформацияга эҳтиёж прагматик мақсаддан келиб чиқишини таъкидлайдилар. Жумладан, Г.М. Стрелковский таржима трансформацияларининг қўлланишини шундай изоҳлайди: “Таржимон аслиятдаги ахборот юборувчисидан ахборотни аниқ нутқ асари сифатида қабул қилади. Айни шу нутқ асарларида унинг коммуникатив (мулоқот) мақсади амалга ошади. Бу дегани – таржимон коммуникатив мақсадни бериш учун бир тилдаги нутқий асарни бошқа тилда ўзгартириши лозим бўлади. Таржимадаги аниқ талаб икки тил бирликларидаги ноаниқлик билан белгиладиган, функционал жиҳатдан бир-бирига мос келадиган бирлик билан бериш ҳисобланади” (10).

А.М. Фитерман ҳамда Т.Р.Левицкая таржима трансформациясининг учта тури, яъни лексик, грамматик ҳамда стилистик турларини ажратиб кўрсатади (7).

Л.К. Латышев таржима трансформацияларини саккиз гуруҳга ажратади (стилистик, лексик, морфологик, синтактик, семантик ва аралаш тарнсформациялар) (6, 86). Соҳа бўйича адабиётларда таржима трансформацияларига бошқача ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, А.Д. Швейцер таржима трансформацияларининг ўрнига таржима сатҳлари ҳақида фикр юритишни кўпроқ маъқул кўради (12).

Турли сатҳда қўлланадиган таржиманинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Хусусан, прагматик сатҳдаги таржима трансформацияси ҳақида фикр юритганда, тушириб қолдирилган сўзалар ўрнини қоплаш (компенсация), муайян лингвистик усулни бошқаси билан алмаштириш, аллюзияларни ўхшаш турлари билан алмаштириш, тасвирий, талқиний ва шу каби таржималар назарда тутилади.

Аниқлик киритиш, умумлаштириш, реалийларни алмаштириш, бир метафорани иккинчи бир метафора билан алмаштириш, метаномик ва метафорик трансформациялар референциал сатҳдаги трансформациялар сирасига киради. Бундан ташқари, юқорида тилга олинган трансформацияларнинг комбинацияси

ва биргаликда келиш ҳолатларидаги трансформациялар ҳам буларнинг турларига киради.

А.Д. Швейцер стилистик сатҳни ажратиб, уни компрессия (фикрни сиқик бериш) ҳамда унинг акси – кенгайтириш турларини ажратади (12). Я.И. Рецкер эса трансформациянинг фақат иккита турини тилга олади, улар – грамматик ва лексик турлардир (9, 216). Р.К. Миньяр-Белоручев эса Я.И.Рецкер тилга олган трансформация турларига битта қўшимча киритиб, уни семантик трансформация деб номлайди. Трансформациянинг учинчи турини бошқа олимлар стилистик трансформация турига киритадилар (8, 204).

Энди юқорида кўрсатиб ўтилган таржима трансформацияларига нималар сабаб бўлишини кўриб чиқамиз.

Л.К. Латышев таржима трансформациясининг учта асосий сабабини кўрсатиб ўтган. Булар, унинг фикрича, ўз ичга қуйидагиларни олади:

1. Аслият ва таржима тиллари системасидаги фарқлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) тилларнинг бирида бошқа тилга хос бўлган категория мавжуд бўлмаслиги мумкинлиги;

б) айти бир категория ичида бўлиниш турлича бўлиши;

в) қиёсланаётган тил категориялари маъно кўлами жиҳатидан бир-бирига тўлиқ мос келмаслиги мумкинлиги.

2. Аслият ва таржима тилларидаги меъёрларнинг фарқ қилиши. Меъёрнинг бузилишига жумланинг маъноси тушунарли бўлиб, нутқнинг нотўғрилиги ҳақида фикр пайдо бўлганда дуч келамиз.

3. Аслият ва таржима тилида сўзлашувчилар муҳити ўртасида узуснинг тўғри келмаслиги (8, 85).

Таржимашунос А.Ф. Архипов бошқа тилшуносларга нисбатан таржима трансформациялари қўлланишининг саккизта сабабини таъкидлаб ўтган. Улар қуйидаги сабабларга асосланади:

– таржима тилидаги бирикма ҳосил қилиш меъёрини, яъни ҳарфма-ҳарф таржима қилишдан қочишга ҳаракат қилиш;

– таржимани идиоматиклаштириш, яъни таржима тилида кўп қўлланадиган ибора ва конструкцияларни (қурилмаларни) қўллашга ҳаракат қилиш;

– гапнинг уюшиқ бўлақларини тузишда тиллараро фарқни енгиш зарурати;

– таржима тилига ёт сўз ясаш намуналаридан қочишга ҳаракат қилиш;

– фикр ифодалашнинг сунъийлиги, баъзи такрорларнинг ноэстетиклиги, ҳаддан ташқари кўполлиги, ноаниқлиги ва номатиқийлигидан қочиш мақсадида;

– таржиманинг лўндароқ бўлишига ҳаракат қилиш мақсадида;

– (таржимани қабул қилувчига) муҳим қўшимча маълумотни етказиш ёки ортиқча маълумотни олиб ташлашга ҳаракат қилиш масадида;

– таржима қилиш мураккаб бўлган сўз ўйини ёки образлиликни қайта тиклашга ҳаракат қилиш мақсадида (1, 84).

Т.Р. Левицкая ва А.М. Фитерман таржима трансформациясига мурожаат қилишнинг қуйидаги тўртта асосий муҳим сабабини келтирган:

1. Икки – аслият ва таржима тили структурасидаги фарқ. Бу лексик-семантик жиҳатнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, ҳар бир тилдаги сўзнинг маъно структурасида намоён бўлади. Ҳар қандай сўз, яъни лексик бирлик қандайдир алоҳида эмас, балки тил лексик системасининг ташкил этувчи қисми, унинг асосий элементи ҳисобланади. Бундан ташқари, турли тиллардаги тегишли семантик бирликлар турлича бирикмаларга, яъни тил системасида турлича ўринга эга бўлиши мумкин.

2. Сўз маъно кўлами (ҳажми)даги фарқ. Ҳар бир тилда муайян сўзнинг мазкур тил лексик-семантик хусусияти билан боғлиқ ўз ҳаёт йўли мавжуд. У мазкур тилнинг турлича лексик маъноларига эга бўлиши, ўз маъносини торайтириши ёки кенгайтириши, уни аниқроқ ёки мавҳумроқ қилиши мумкин.

3. Бирикма ҳосил қилишдаги фарқ. Сўзлар мазкур тилга хос бўлган ўзаро муайян алоқада бўлади. Шунини таъкидлаш муҳимки, сўзнинг бирикма ҳосил қилиши улар ифодалаган тушунчалар бир-бирига тўғри (мос) келган тақдирдагина юз беради. Бу мос келишлик турли тилларда турлича рўй беради, бир тилда мумкин бўлган ҳолат, иккинчи тилга тўғри келмаслиги мумкин.

4. Ҳар бир тилга хос бўлган одатий сўзни ишлатиш. Бу мазкур тилнинг тарихий ривожланиши, шаклланиши ҳамда лексик системаларининг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳар бир тилда ўзига хос қолип сўзлар шаклланади, мазкур тилда сўзлашувчилар қўлайдиган тайёр формулалар, сўзлар ва сўз бирикмаларга ўхшаган клишелар яратилади (7, 15).

Е.В. Бреуснинг фикрига кўра, таржима трансформациялари “Аслият мазмуни нафақат бошқа тил ифодаларига эга таржима муқобиллари ёрдамида, балки аслият семасидан фарқ қиладиган йиғиндилар ёрдамида берилади. Мана шуларнинг ўзи турли таржима трансформацияларидан фойдаланиш заруратини туғдиради” (3).

Турли таржимашунос олимлар тақдим этган ва мазкур мақолада ўрганиб чиқилган таржима трансформацияларидан фойдаланиш сабабларини умумлаштириш мумкин. Умумлаштиришнинг Л.К. Латышев тавсия этган уч асосий сабабини кўрсатамиз, булар – аслият ва таржима тили системаларидаги фарқлар, аслият ва таржима тил нормаларидаги фарқлар, тил соҳиблари ўртасидаги аслият ва таржима тилларида узусларнинг фарқ қилиши (мос келмаслиги)дир.

Хулоса қилиб айтганда, таржима трансформацияларининг қайси бири танланиши, унинг сабаб ва омиллари турлича бўлиши мумкин. Биринчидан, таржима трансформацияси, тиллар системаси қанча яқин бўлса, уларнинг турига кўра сон жиҳатдан шунча кам бўлади. Аксинча тиллар системаси бир-биридан

канча кўп фарқ қилса, таржима трансформациялари шунчалик кўп бўлади. Иккинчидан, аслият ва таржима тилларидаги сўзлар ва маънолари ўртасида фарқ мавжуд бўлганда таржима (лексик) трансформацияга, сўз тартиби ҳамда сўз туркумлари икки тилда фарқ қилганда, грамматик трансформацияга, сўзларнинг бўёқдорлиги, маъно нозиклиги, сўзларнинг услубий қўлланиши фарқ қилганда эса стилистик таржима трансформациясига эҳтиёж сезилади.

Таржиманинг турли моделлари денотатив, коммуникатив, семантик, информатив (ахборот), тиллар муқобиллиги назарияси ҳамда таржиманинг трансформацион моделлари асосида таржиманинг эквивалентлик тушунчаси келиб чиқади, бу эса ўз навбатида таржима трансформациясининг моҳиятини белгилайди. Қўлланилган барча таржима трансформациялари бир мақсадга – таржиманинг адекватлигига, муқобиллигини таъминлашга хизмат қилади. Таржимада қандай трансформация қўлланмасин барчаси битта мақсадга, яъни адекватликни таъминлашга, таржима сифатининг юқори бўлишига қаратилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Архипов А.Ф. Самоучитель перевода с немецкого языка на русский. – М.: Высш. школа, 1991. – 221 с.
2. Бархударов, Л. С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода / Л. С. Бархударов. – М.: Международные отношения, 1975. – 237 с.
3. Бреус Е. В. Теория и практика перевода с английского языка на русский. – М.: Изд-во УРАО, 2002. – 208 с.
4. Комиссаров, В. Н. Лингвистическое переводоведение в России: Учеб. пособие. – М.: ЭТС, 2002. – 184 с.
5. Комиссаров В.Н. Теория перевода. – М., 1990. – 253 с.
6. Латышев Л.К. Технология перевода. – М., 2000. – 280 с.
7. Левицкая Т.Р., Фитерман А.М. Пособие по переводу с английского языка на русский. – М.: Высшая школа, 1973. – 135 с.
8. Миньяр-Белоручев Р.К. Теория и методы перевода. – М.: Московский Лицей, 1996. – 298 с.
9. Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М., 2007. – 244 с.
10. Стрелковский Г.М. Теория и практика военного перевода (Немецкий язык). – М.: Воениздат, 1979. – 272 с.
11. Стрелковский Г.М., Латышев Л.К. Научно-технический перевод. – М.: Просвещение, 1980. – 176 с.
12. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика (Газетно-информационный и военно-публицистический перевод). – М., 1973. – 280 с.